



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 сентябрь, № 180 (9075)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЯНЬЦЗИНЬ ШАҲРИДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ



31 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга Тяньцзинь шаҳридаги «Мэйцзян» конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг норасмий тадбирларида иштирок этди.

Тадбирларда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Эрон Исломи Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти

Сердар Бердимухамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Миср, Камбоджа, Непал, Арманистон ҳукуматлари раҳбарлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари ва рафиқасини Хитой Раиси Си Цзиньпин ва рафиқаси самимий кутиб олди. Шундан сўнг хорижий етакчиларга Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь саммитига бағишланган концерт дастури намойиш этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Келиб тушаётган мактубларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар стратегиясининг натижалари, минтақада дўстлик, шериклик ва яхши кўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, дунё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган прагматик ва конструктив ташқи сиёсат юқори баҳоланмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани алоҳида қайд этилган.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва рағнақ тилаклари изҳор этилган.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!
Мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди, жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда, минтақавий ва халқаро кун тартибидagi кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишга амалий ҳисса қўшмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожланмоқда. МДХ, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш йўлга қўйилган.

Ишончим комилки, биз бундан буён ҳам Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни барча йўналишларда ҳар томонлама ривожлантираемиз. Бу дўст халқларимиз манфаатларига, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига тўла мос келади.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга фаровонлик ва рағнақ тилайман. Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент жаноблари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табриқларим ва энг эзгу тилақларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, халқнинг турмуш даражаси юксалмоқда, мамлакат дадил қадамлар билан стратегик мақсад — Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари бормоқда. Бу дўст ва қўшни, ҳар қандай шароитда стратегик шерик сифатида Хитойни беҳад қувонтиради.

Жорий йил июнь ойида Остонада бўлиб ўтган учрашувимизда икки мамлакатнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги бўйича муҳим келишувларга эришилди. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш бўйича янги режа тузилди. Сиз билан сиёсий ўзаро ишончни узлуксиз чуқурлаштириш, бир-биримизни қатъий қўллаб-қувватлаш, ривожланиш стратегияларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, "Бир макон, бир йўл"ни биргаликда сифатли барпо этиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрман.

Ўзбекистон Республикасига куч-қудрат ва рағнақ, унинг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент жаноблари!
Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига мамлакатингиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан энг эзгу тилақларимизни йўллайман. Бу унинг тарихи ва бой маданиятини эслаш учун қувончли сабабдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён мамлакатларимиз ўртасидаги жадал стратегик шерикликка ҳисса қўшадиган муҳим ислохотларни давом эттирмоқда. Биз умумий манфаатларимизни илгари суриш, жумладан, чегараларимизни мустаҳкамлаш, икки томонлама савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, диний эркинлик ва минтақавий барқарорликни таъминлаш йўлида биргаликда салмоқли ишларни амалга оширдик.

Қўшма Штатлар мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очишга умид қилмоқда. Сизга ва фуқароларингизга Мустақиллик байрами муносабати билан бахт-саодат ва энг эзгу тилақларимни билдираман.

Хурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти
(Давоми 2 ва 3-бетларда.)

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИ РЎЁБИНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси гоят кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилган шодиёна ва унда Президентимиз иштирок этиб, халқимизни қутлаши унинг шуқуҳини янада оширди.

Давлатимиз раҳбари табригида таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон гоёси асосида бошланган улкан ислохотлар

туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Ҳаётнинг барча жабҳаларида беқиёс ютуқлар қўлга киритилляпти. Уларда фаол қатнашаётган ҳамюртларимиз эртанги кунга юксак ишонч билан яшамоқда.

4-саҳифага қаранг. ➡



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ва барча юртдошларингизни Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу тарихий сана қардош Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан дадил, изчил ривожланиб бораётганининг ёрқин рамзидир. Қозоғистон Сизнинг ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган чуқур ўйланган, кенг кўламли ислохотларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Сизнинг кучли ва обрўли раҳбарлигингизда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва халқаро майдонда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасида улкан муваффақиятларга эришди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг стратегик шериги ва ишончли иттифоқчиси сифатида мамлакатингиз билан кўп қиррали давлатлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратади.

Ишончим комилки, Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатлари бундан буён ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида жадал ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Мустақиллик ҳар бир давлатнинг ўз йўлини танлаши ва халқ фаровонлиги учун масъулиятини ўз зиммасига олиши учун имкониятдир. Ўзбекистон бу имкониятдан унумли фойдаланиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келаётгани қувонарлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон барча асосий тармоқларда, айниқса, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда барқарор ва ишончли ривожланмоқда.

Бу муваффақиятлар Сизнинг бой тажрибанингиз ва аjoyиб етакчилигингиз натижасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик барқарор ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ишончим комилки, қардош халқларимиз ўртасида қарор топган яхши кўшничлик ва дўстона муносабатлар янги босқичга кўтарилади, Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамкорлиги бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверади.

Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ, Қирғиз Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадрли Шавкат Миромонович!

Мамлакатингиз миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табриklarимиз ва энг эзгу тилаklarимизни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама ривожланиш йўлида улкан натижаларга эришиб, халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонгани қувонарлидир.

Тожикистон энг яқин кўшнининг йўқларидан хурсанд ва унга ўзининг ишончли ҳамкори сифатида қарайди.

Биз Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги илиқ, дўстона, яхши кўшничлик ҳамда сермазмун муносабатларни қадрлаймиз ва уларга алоҳида аҳамият берамиз.

Ўзбекистон билан ҳамкорлиқнинг изчил ривожланиб бораётгани Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари орасида муҳим ўрин тутади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари ҳар томонлама ривожланаётгани ва кенгайиб бораётганидан мамнуним.

Ишончим комилки, умумий чора-тадбирлар билан барча салоҳиятли имкониятларни тўлиқ ишга солашимиз ва мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида олдимизга қўйган максadларга эришамиз.

Биз, ўз навбатида, халқларимиз фаровонлиги йўлида томонлар ҳамкорлигининг ижобий динамикасини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришга тайёрмиз.

Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавон тараққиёт тилайман.

Катта хурмат билан,

Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан, шунингдек, шахсан ўз номидан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон Республикаси халқига мамлакатингиз Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриklarимиз ва энг эзгу тилаklarимини йўллаш шарафига муяссарман.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тараққиёт ва равнақ йўлидан дадил бормоқда. Яқин кўшнимизнинг ютуқларидан хурсандимиз.

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳозирги икки томонлама муносабатлар конструктив ва барқарор хусусиятга эга эканини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Улар энг кенг доирадаги йўналишлар бўйича ривожланмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Туркманистон — Ўзбекистон қардошлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман!

Чуқур хурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркманистон Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табриklarимиз ва энг эзгу тилаklarимини йўллайман.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда улкан муваффақиятларни қўлга киритди, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозонди, минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳал этишда конструктив роль ўйнамоқда.

Яқинда “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида “Туркманистон — Озарбайжон — Ўзбекистон” олий даражадаги учрашуви доирасида бўлиб ўтган учрашувида алоҳида мамнуният билан эслайман. Унда томонларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилиши яна бир бор тасдиқланди.

Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, қардош Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавон тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур хурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қадрли қардошим! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан шахсан ўз номидан ва Озарбайжон халқи номидан Сизга самимий табриklarимиз ва энг эзгу тилаklarимини йўллайман.

Бугун биз қардош мамлакат сифатида мамлакатингиз Сиз белгилаб берган Янги Ўзбекистон стратегияси асосида жадал ва ҳар томонлама ривожланаётгани, барча соҳаларда тараққиётга эришилаётгани, иқтисодий салоҳият мустаҳкамланиб, глобал миқёсда обрў-эътибор ва ўрнинги юксалиб бораётганини қувонч билан қутлатмоқдамиз. Ўзбекистон эришаётган барча ютуқлар Сизнинг кўп қиррали фаолиятингиз, узоқни қўзлаган сиёсатингиз, Ватан ва халқ олдидаги шарафли хизматингиз натижасидир.

Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган халқларимиз ўртасида қарор топган яхши қардошлик алоқаларини яққол акс эттиради.

Давлатлараро муносабатларнинг изчил ривожланишида ўзаро ташрифлар ва олий даражадаги учрашувлар муҳим ўрин тутади. Сизнинг июлда Озарбайжонга давлат ташрифингиз икки томонлама муносабатларимизнинг иттифоқчилик хусусиятини яна бир бор тасдиқлади. Ишончим комилки, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг кейинги йўналишлари бўйича эришилган муҳим қилишувлар, шунингдек, турли соҳаларда, айниқса, иқтисодий шерикликни диверсификация қилиш бўйича имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигимиз кўламини кенгайтириш, иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида кун сайин янги мазмун ила бойиб бораётган қардош Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни, айниқса, иқтисодий ва савдо, энергетика, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларидаги алоқаларимизни бундан буён ҳам кенгайтиришга қатъий қарор қилганмиз. Ўзаро

англашув ва ишончнинг юқори даражаси бунинг учун қулай замин яратади.

Ишончим комилки, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг биродарлиги бундан буён ҳам барча кўшма ташаббусларимизни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тўтиб, мамлакатларимиз тараққиёти ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Хурматли қардошим!

Ушбу кутлуғ айтёмда Сизни яна бир бор самимий табриklaб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович,

Сизни бош байрамингиз — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, минтақавий кун тартибидаги масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда, жаҳон майдонидаги ўрни мустаҳкамламоқда.

Минск ва Тошкент биродарлик ришталари билан чамбарчас боғланган, турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шериклиқнинг бугунги даражаси бизга учинчи мамлакатлар бозорларида чиқиш, кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама конструктив муносабатларни халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп асрлик дўстлик ва мустаҳкам ишонч руҳида изчил ривожлантиришда давом этамиз.

Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Хурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари, азиз қардошим!

Сиз, Жаноби Олийларига ва қардош ўзбек халқига Мустақиллик байрами муносабати билан энг самимий табриklarимизни изҳор этаман.

Мустақилликка эришилган кундан бугунга қадар ўтган 34 йиллик вақт давомида дўст ва қардош Ўзбекистон, айниқса, Сизнинг раҳнамолигингизда халқаро мавқеини барқарор равишда мустаҳкамлаб, янада фаровон ва янада обод мамлакатга айланиб бораётганидан биз ҳам фахрланамиз.

Муштарак инсоний ришталаримиздан қувват олувчи ўзига хос муносабатларимиз икки томонлама даражада ва кўп томонлама платформаларда, айниқса, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида кундан-кунга ривожланиб бораётганидан мамнуним.

Ўз навбатида, келгусида ўтказиладиган Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилиши муносабати билан гўзал мамлакатингизга ташриф буюришни интиқлик билан кутмоқдаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир бор самимий қутлуғни холда Сиз, Жаноби Олийларига сиаҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош ўзбек халқига эса омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Режеп Тайиип ЭРДОҲАН, Туркия Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, хурматли биродарим!

Ҳиндистон халқи ва Ҳукумати номидан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан самимий табриklarимиз ва энг эзгу тилаklarимини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўтган йил октябрь ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган БРИКС саммити доирасидаги сермаҳсул ва конструктив учрашувиимизни олдлик билан эслайман. Ҳиндистон Ўзбекистон билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли стратегик шериклигимиз учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётган тарихий ва маданий дўстлик ришталарини юксак қадрлайди. Йиллар давомида ҳамкорлигимиз барча соҳаларда, жумладан, мудофаа, савдо, иқтисодийёт, таълим, маданият ва гуманитар алоқаларда кенгайиб бори.

Мамлакатларимиз ўртасидаги барқарор шериклик бундан буён ҳам халқларимиз манфаати йўлида мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва янада равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Нарендра МОДИ, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст ўзбек халқига энг самимий табриklarимиз, юртингизга эса янада тараққиёт ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Миср Араб Республикаси Ўзбекистон билан ўрнатган ўзига хос муносабатларга катта аҳамият қаратаётганини қайд этиб, ҳамкорлигимиз йўналишларини икки дўст халқларимиз манфаатлари йўлида турли соҳаларда янада мустаҳкамлашни давом эттиришга содиқлигимни таъкидлайман.

Хурматли Президент Жаноби Олийлари, Сизга соғлиқ-саломатлик ва давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бардавон фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Юксак хурмат ва эҳтиром ила,

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ, Миср Араб Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, Жаноби Олийларини, дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриklaйман.

Маданий муштараклик, олий мартабали делегациялар алмашинуви ўзаро алоқаларимизни кенгайтириш ва давом эттиришда муҳим роль ўйнади. Умид қиламанки, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида биз ўзаро манфаатларга мос равишда муносабатларнинг тобора кенгайиб бораётганига, минтақавий ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни ривожлантиришга гувоҳ бўламиз.

Аллоҳ таолодан Жаноби Олийларига соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

Масъуд ПЕЗЕШКИЁН, Эрон Исломи Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқини қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Покистон ва Ўзбекистонни азалдан муштарак эътиқод, тарих, маданият ва меросга эга биродарлик ришталари боғлаб туради. Ушбу чуқур алоқалар ҳар икки томоннинг доно раҳбарлиги ва қатъий садоқати тўғрисида янги тасолатларни кузатиш биз учун алоҳида мамнуният манбаи ҳисобланади.

Яқинда мамлакатларимиз муносабатлари тарихий босқичга кўтарилиб, муҳим механизм — олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ушбу ютуқдан келиб чиқиб, кўп йиллик дўстлигимизни ўзаро манфаатли стратегик ва кўп қиррали шериклик даражасига кўтаришда Сиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистондаги биродарларимизга эса бардавон тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шаҳбоз ШАРИФ, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Жорий йил 24 июль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотимизда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги интиқлигимиз қатъий эканини яна бир бор тасдиқлаганимизни мамнуният билан таъкидлайман.

Ишончим комилки, бундай ўзаро англашув, шунингдек, Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида кўп йиллар давомида шаклланиб мустаҳкам ишонч тўғрисидаги ҳамкорлигимизнинг “Алоҳида стратегик шериклик” мақоми янада мустаҳкамланади. Фаол алмашинувлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминман.

Келгуси йилда Корея Республикасида ўтказиляши режалаштирилган “Корея — Марказий Осиё” саммити ҳамда бошқа халқаро тадбирлар доирасида ўзаро манфаатли ва дўстона ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича сермазмун ва самарали мулоқот ўтказиш учун Сиз, Президент жаноблари билан шахсан учрашиш имкониятини интиқлик билан кутмоқдаман.

Ўзбекистон Республикаси тинчлик ва барқарор тараққиёт, Сизга, мухтарам Президент, мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Ли Чжэ МЁН, Корея Республикаси Президенти

(Давоми 3-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

**ЎЗБЕКИСТОН**
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент жаноблари!

Европа Иттифоқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқи-га Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий табрикларимни йўлламоқчиман.

Бу сана нафақат мамлакатингиз суверенитети байрами, балки халқингиз матонат ва интилишларидан далолатдир. У Ўзбекистон эришган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни, шунингдек, Европа Иттифоқи ва мамлакатингиз ўртасида ўрнатилган мустақам дўстона алоқаларни эътироф этиш имконини беради.

Бизнинг шериклигимиз, шубҳасиз, янги босқичга кўтарилиди, барча соҳаларда, шу жумладан, Сизнинг етакчилигингиз остида сермахсул ва кўп қиррали ҳамкорлик билан ажралиб туради. Жорий йил апрель ойида Самарқандда "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" биринчи саммити доирасида бўлиб ўтган учрашувимиз, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳис этиш бахтига муяссар бўлганим ҳақида аjoyиб хотиралар сақланиб қолган.

Сиз билан 2025 йил 24 октябрь куни Брюсселда бўлиб ўтадиган учрашувни интиқлик билан кутаман, у ерда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши муносабати билан фикр алмашишни давом эттириш имконига эга бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноби Олийлари, яна бир бор юксак эътиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Самимият ила,

Антониу КОШТА,
Европа кенгаши Президенти**ЎЗБЕКИСТОН**
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни

муносабати билан Сизга ва ўзбек халқига самимий табрикларимни йўллаймман.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мустақам шериклик хусусиятига эга. Ўтган йили ҳам улар ривожланишда давом этганини таъкидлашдан мамнунман. Германиянинг Марказий Осиё давлатлари билан стратегик минтақавий шериклиги, шунингдек, имзоланган Миграция ва ҳаракатланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим икки томонлама ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш йўлида янги йўналишларни белгилаб берди.

Раҳбарлигингизда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатида Сизга катта муваффақиятлар тилаймман ва Германия бундан бунён ҳам ишончли ҳамкор сифатида Сизни қўллаб-қувватлашни ишонтириб айтаман. Барқарор, фаровон ва демократик Ўзбекистон бутун минтақа учун муҳим аҳамиятга эга.

Президент жаноблари, менинг энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз, Ўзбекистон халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонликка асосланган тинч келажак тилаймман.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти**ЎЗБЕКИСТОН**
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари!

Мустақиллик байрами муносабати билан шахсан ўз номидан ва Италия Республикаси номидан Сизни самимий муборақбод этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни кенгайтириш ўзaro манфаатларимизни яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Ишончим комилки, бу жараён турли соҳаларни қамраб олиб, бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувларда эришилган натижаларга янги суръат бағишлайди ва кўплаб қўшма лойиҳаларда ўз ифодасини топади.

Тошкент ва Рим ўртасидаги ўзaro манфаатли икки томонлама мулоқот минтақавий ҳамкорлик орқали ҳам янада ривожланишмоқда. Бугунги кунда "Италия — Марказий Осиё" формати тинчлик, барқарорлик ва

изчил тараққиётни таъминлаш учун ўзига хос майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Умид қиламанки, мамлакатингизнинг Европа Иттифоқи билан тобора чуқурлашиб бораётган муносабатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустақамланган тамойилларга содиқлик, халқро тартиб меъёрлари ва қондаларига риоя қилиш билан биргаликда ушбу юксак мақсадларга эришишга олиб келади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига яна бир бор фаровонлик ва равнақ тилаймман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти*Куйидагилар ҳам ўз табриklarини йўллаган:*Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян,**Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд,**Саудия Арабистони Валиаҳди, Бош вазири **Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд,**Покистон Ислам Республикаси Президенти **Асиф Али Зардарий,**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён,**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум,**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент Администрацияси раҳбари **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён,**Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев,**Венгрия Президенти **Тамаш Шуйок,**Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан,**Ирландия Республикаси Президенти **Майкл Хиггинс,**Сербия Республикаси Президенти **Александр Вучич,**Словения Республикаси Президенти **Наташа Пирц Мусар,**Словакия Республикаси Президенти **Петер Пеллегрини,**

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

2-3 сентябрь кунлари Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасиغا расмий ташрифи амалга оширилди.

Ташриф

Ташриф чоғида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан учрашуви ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Сенати ўртасида ҳамкорлик бўйича комиссиянинг илк йиғилиши, маҳаллий вакиллик органлари вакилларининг учрашуви ҳамда ёш парламент аъзолари форуми ҳам бўлиб ўтади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон — Бела-

русь тadbirkор аёлларининг учинчи бизнес форуми ўтказилди. Форум доирасидаги 7 та мавзу бўйича бўлиб ўтадиган секция йиғилишларида турли соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари ва инвестиция лойиҳаларини муҳокама қилиш, таъриба алмашиш ҳамда икки томонлама ҳужжатларни имзолаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Витебск шаҳрида ташкил этиладиган "Made in Uzbekistan" миллий кўргазмасида озик-овқат, фармацевтика, енгил санаот, туризм, хунармандчилик ва электроника каби соҳаларда фаолият юритаётган 70 дан зиёд тadbirkор аёллар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини намойиш қилади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тadbirkорлик, рақобати ривожлантириш ва санаот масалалари қўмитаси шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш орқали тирбандликлар ва автохалокатларни камайтириш масалалари юзасидан ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар якунларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Урбанизация жараёнининг жадаллашуви, аҳоли сонининг ўсиши натижасида жамоат транспортига бўлган талаб ва эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса жамоат транспортни хизмати сифатини яхшилаш, маданиятини юксалтириш, уни бугунги давр ва шaroитга мослаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз шаҳарларида жамоат транспортни тизимини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз хизматлар кўрсатиш, транспорт инфратўлимасини, ҳаракат таркибини барча қўлайликларга эга бўлган замонвий автобуслар билан тўлдирish, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пиддаларга қўлай ҳаракатланиш муҳитини яратиш борасида қатор чора-тadbирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, йўлларда йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўллар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, жамоат транспортни катновларнинг жадаллашуви, йўловчиларнинг ўз манзилига тезроқ етиб олишини таъминлашга

хизмат қилмоқда. Қолаверса, ҳудудларга жамоат транспортни учун янги ва замонвий автобуслар, метро вагонлари харид қилиниб, фойдаланишга топшириляптир.

Йиғилишда Транспорт вазирилик вакиллари иштирокида жамоат транспортини ривожлантириш, автохалокатлар ва тирбандликларни камайтириш масалалари муҳокама қилинди. Вазирилик томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги истиқболли режалар ҳақида ахборот берилди.

Депутатлар транспорт тизимига оқлама туширадиган қурилиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатлар, йўлларда йўналишли транспорт воситалари (автобус) учун алоҳида йўлак ажратиш, транспорт ўтиш боғламларини барпо этиш, тирбандликларни камайтиришга қаратилган замонвий ечимларнинг қамлиги сабаблари билан қизикди. Мутасаддилар кўтарилган суволаш юзасидан атрафлича тушунтириш бериб ўтди.

Йиғилишда Наманган шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш ва йўл

ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди.

Маълум қилинганидек, бугунги кунда шаҳарда кунга 90 мингдан ортиқ йўловчилар 220 та жамоат транспортни орқали ташилмоқда. Жорий йилда 66 дона янги ва замонвий автобус брутто-контракт тизимида фойдаланиш учун олиб келинди. Кейинги икки йилда шаҳардаги 3 та кўчада автобус йўлакларни ташкил этилди.

Депутатлар ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга, туманлардан кириб келаётган йўловчи ташкил транспортларини шахар ичидаги автобус йўналишлари билан боғлайдиган янги бош бекатлар, замонвий "смарт бекат"лар, автотураргоҳлар қуриш, йўловчи ташкил фаолияти билан шугулланувчи субъектларга автобуслар харид қилишга имтиёзлар яратиш лозимлигини таъкидлашди.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил қилиб, тирбандликлар ва автохалокатларни камайтириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Мустақилликнинг 34 йиллигига

ИНСОН ҚАДРИ — ОЛИЙ МЕЗОН

Мустақиллик куни — бу фақатгина тарихий сана эмас, у халқнинг эрки, қадри, салоҳияти ва ўз тақдирига эгалик қилиш ҳуқуқини англатади. Мустақил давлатнинг энг улуғ бойлиги эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати таъминланган жамиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқи суверен ва давлат ҳокими-ятининг бирдан-бир соҳиби экани Конституцияда мустақамлаб кўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда қайси динга мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар, тенг ва бир хил ҳуқуқларга эга.

Мустақилликнинг кейинги саккиз йилида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқaro мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимояси масалалари юзасидан халқaro ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro ҳужжатлар, жумладан, БМТ шарт-



номалари, факультатив протокол-лига қўшилган.

Инсон ҳуқуқлари самарали муҳофаза этилишида янги таҳрирдаги Конституция муҳим ўрин тутди. Чунки унда инсон ҳуқуқлари ҳимояси янада кенгайтирилди, уни таъминлаш механизми кучайтирилди. Бу борада давлатнинг масъулияти оширилди.

Давлат томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустақамланди. Инсон билан давлат

органининг ўзaro муносабат-ларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва но-аниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди.

Авалги Конституцияда инсон ҳуқуқлари учун 23 модда ажратилган бўлса, янги таҳрирдаги Конституцияда бу 34 тага етказилди. Ва олдинлари умуман кўзда тутилмаган, лекин инсон ҳуқуқлари таъминлашда муҳим бўлган бир қатор ўзгартиришлар киритилдики, бу Янги Ўзбекистонда инсон қадрининг қай даражада муҳим ва юқори эканлигини яна бир бор исботлаб берди.

Хусусан, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга ёки қамоққа олиниши, ушлаб турилиши, қамоқда сақланиши ёхуд унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмаслиги, ушлаб чоғида тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш сабаблари тушунтирилиши шартлиги, айбисизлик презумпцияси аниқ белги-лангани, айбисизликка оид барча шубҳалар, уларни бартафат этиш имконияти тугаган бўлса, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг

фойдасига ҳал қилиниши қайд этилди.

Агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ва жазоланиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ҳамда қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Шахсининг судланган-лиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.


Асосий Қонуннинг 55-моддаси билан ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли экани мустақамланди.

Конституция агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқaro органларга мурожаат этиш ҳуқуқини ҳам беради.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги кўтаринки кайфиятда, юксак даражада нишонланди. Орта назар ташлаб, ўтган йилларда юртимизда барча соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганига, муҳим ўзгаришлар аҳоли турмушида чуқур акс этганига амин бўлмоқдамиз. Халқимиз ҳаётидаги илҳами бўлаётган турли соҳаларда кўлга киритилаётган ютуқлар замирида эса улкан меҳнат, фидойилик ва оқилона сиёсат мужассам.



Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг фаровон келажиги учун замин яратиш, энг аввало, таълим, тиббиёт, иқтисодиёт, спорт, маданият, ҳуқуқ, мудофаа, ташки сиёсат каби соҳаларда пухта ўйланган ислохотларга боғлиқ. Айниқса, таълим соҳасини ривожлантириш борасида чўра-тadbирлар ва уларнинг натижалари эртанги кунимиз учун мустақам пойдевор қўйилаётганини тасдиқлайди.

Хусусан, шаҳар ва қишлоқларда янги замоний мактабга таълим ташки-



лотлари бунёд этилиб, унга қамровнинг оширилиши, педагог кадрларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини қайта янгилаш, олий таълим соҳасида хусусий секторга кенг имкониятлар берилиши сингари муҳим қадамлар

миллат келажигини яхши-лашга қаратилган. Эъти-роф этиш жоизки, таълим соҳасига юксак эътибор юртимиз ёшларининг илмга бўлган интилишларини янада рағбат-лантирмоқда. Натижада улар халқaro фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб, дунёнинг топ университетларини забт этмоқда.

Албатта, бу ютуқлар замирида улкан меҳнат, катта молиявий ресурслар туририди. Лекин асло сабаб — мазкур соҳа ривожига кўрсатилмаётган эътиборда. Миллий статистика қўмитаси берган маълумотга кўра, биргина шу йилнинг январь — июнь ойларида мамлакатимизда 68 та мактаб ишга туширилган.

Энг фойдали инвестиция таълимга йўналтирилган инвестиция деганларидек, билим масканларининг қурилиши, жиҳозланиши ва таълим учун сарфланаётган маблағлар юрт

Латвия Республикаси Президенти

Эдгарс Ринкевичс,

Черногория Республикаси Президенти

Яков Милатович,Чехия Республикаси Президенти **Петр Павел,**

Швейцария Конфедерацияси Президенти

Карин Келлер-Зуттер,Эстония Республикаси Президенти **Алар Карис,**Грузия Президенти **Михаил Кавелашвили,**

Босния ва Герцеговина Президенти Раиси

Желько Комшич,Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироли **Чарльз III,**Япония Императори **Нарухито,**Бельгияликлар Қироли **Филипп,**Испания Қироли **Филипп VI,**Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI,**Камбоджа Подшоҳи **Нородом Сиамони,**Мўғулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух,**

Сингапур Республикаси Президенти

Тарман Шанмугаратнам,

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Лионг Кионг,Малайзия Бош вазири **Анвар Иброхим,**

Таиланд Подшоҳлиги Бош вазири вазифасини

бажарувчи **Пхумтхам Вечаячай,**Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос,**Афғонистон Бош вазири **Муҳаммад Хасан Охунд,**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби

Нурланбек Омуралиев,

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби

Кубаничбек Омуралиев,

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги бош котиби

Сергей Лебедев,Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Хон,**

Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби

Хусайн Иброхим Тоҳа,

Ислам дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти

бош директори **Салим ал-Малик,**

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош

директори **Цой Дунъюй.***Кутловлар келишда давом этмоқда.***Азамат ПАРДАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

